



## БЮДЖЕТ РИСКИ ВА УНИ БОШҚАРИШ

*Одилов Асомиддин Одилжонович*

*Аннотация. Бюджет рискларнинг иқтисодий моҳияти ва уларнинг молиявий рисклар таркибида тутган ўрнини аниқлаш бўйича етарлича тадқиқотлар олиб борилмаган. Буларни биз эмперик адабиётлар таҳлили натижасида кўришимиз мумкин. Лекин илмий тадқиқотларда бюджет rischi бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг айримларини келириб ўтиш мақсадга мувофиқдир, жумладан, Аюпова қуйидагиларни таъкидлайди “Субъектив-объектив хусусиятга эга бўлган молиявий рискнинг бир тури сифатида ҳар бир институционал бўлинмага хос бўлган бюджет жараёнида муқобил бошқарув қарорини муқаррар танлаш шароитида ноаниқликни бартараф этиш билан боғлиқ ҳамда риск омиллари таъсирида режалантирилган бюджет кўрсаткичларининг бажарилишидан оғишларни назарда тутати” [1].*

Гамукин эса ўз тадқиқотларида “Бюджет жараёнининг барча босқичларида бюджет кўрсаткичларига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турли хил этимологиялардаги мавжуд ва доимий равишда пайдо бўладиган янги ҳодисалар мажмуаси” деб таъкидлайди [2].

Сорокина “Бюджет тизимининг барқарорлигини бузган ҳолда бюджет жараёнининг барча босқичларида бюджет кўрсаткичларини бажармаслик эҳтимоли” деб риска таъриф беради [3].

Горохова эса ўз қарашларида “Ташқи омиллар ва бошқарув қарорлари таъсирида бюджетларнинг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатадиган миқдорий ва сифат жиҳатидан баҳоланадиган эҳтимолий йўқотишлар” бюджет riskни ифода этади деб таъкидлайди [4].

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда бюджет rischi бу бюджетлар лойиҳаларини шакллантириш ва муҳокама қилиш, бюджет режаларини

аниқлаш ва ижро этиш, бюджет жараёни иштирокчиларининг ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги натижасида бюджет тизимида ноқулай вазиятнинг юзага келиши, уларнинг бажарилишини назорат қилиш, бюджет ҳисобини юритиш, бюджет ҳисоботини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва аудитини ўтказиш жараёнидан юзага келадиган салбий оқибатлар эҳтимоли тушунилади.

Бюджет рискининг пайдо бўлишига турли омиллар таъсир қилади. Даромадлар ва харажатлар бюджет тизимида муҳим кўрсаткичлар бўлганлиги сабабли, даромадлар учун риск омиллари қуйидагилардан иборат: молиявий ресурсларни ҳудудлар ўртасида қайта тақсимлаш, компанияларни қайта рўйхатдан ўтказиш (солиқ рўйхатидан ўтказиш, жойини ўзгартириш) ва улар таркибидаги ўзгаришлар, бизнеснинг бўлиниши, ноқонуний тадбиркорлик фаолияти, солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари бўйича солиқ тўловларини минималлаштириш ва бошқалар.

Аксарият олимлар ва амалиётчилар рискларни бошқариш саккизта ўзаро боғлиқ компонентни ўз ичига олади, деб ҳисоблайдилар, улар қуйидагилардан иборат: ички муҳит; мақсад ва вазифаларни белгилаш; ҳодисани аниқлаш; рискларни баҳолаш; рискга жавоб бериш; назорат ҳаракатлари; ахборот алмашинуви; мониторинг.

Бюджет рискларини бошқариш тизими бюджет соҳаси учун муҳим бўлган рискларни, танланган ёндашувлар ва усулларга мувофиқ рискларга таъсирни доимий, изчил аниқлаш ва баҳолашни, шунингдек муҳим рискларни бошқариш жараёнини назорат қилишни амалга ошириши керак.

Бюджет рискларини бошқариш тизими қуйидаги тамойилларга асосланиши керак:

узлуксизлик тамойили бюджет рискларини аниқлаш, идентификациялаш, баҳолаш, таҳлил қилиш ва назорат қилиш бўйича мунтазам равишда мақсадли, тартибли ҳаракатларни амалга оширишни ўз ичига олади;

очиқлик тамойили барча манфаатдор фойдаланувчиларга рискларни бошқариш тизими тўғрисида зарур маълумотларни, шу жумладан услубий ҳужжатларни тақдим этишдан иборат;

хужжатлаштириш таомйили қўлланиладиган усулларнинг бутун мажмуи, хавфларни бошқариш тизимининг тартиби ва қоидалари, шу жумладан рискларни баҳолаш бўйича хужжатлар, дастурий бюджетлаштириш учун масъул бўлган тегишли давлат органлари томонидан ишлаб чиқилади, келишилади ва тасдиқланади;

консерватизм (эҳтиёткорлик) тамойили шуни кўрсатадики, рискларни баҳолашда, агар хавф омилларининг риск объектларига таъсирини бир маънода талқин қилишнинг иложи бўлмаса, ижрочилар пессимистик вариантдан келиб чиқадилар.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, давлат органлари, шунингдек, илмий ҳамжамият асосий эътиборни бюджет рискларини бошқариш шу жумладан, давлат дастурларини амалга ошириш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқишга қаратишлари муҳим ҳисобланади.

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Аюпова, С.Г. Бюджетный риск в условиях финансового кризиса в российской экономике: автореф. дис. ...канд.экон.наук.—Челябинск,2011.—27 с.

2. Гамукин, В.В. Теория оценки бюджетных рисков субъектов Российской Федерации: автореф. дисс. ... д-ра экон. наук/ В.В.Гамукин. — Томск,2016. — 49 с.

3. Сорокина, Т.В. Управление бюджетными рисками: теоретический аспект. Т.В. Сорокина. Устойчивое развитие экономики: международные и национальные аспекты // Электр. сб. статей II Международной научно-практической конференции. — Новополюцк, Полоцкий государственный университет. 2018. — С. 724-728.

4. Горохова, Д.В. Управление бюджетными рисками субъектов Российской Федерации: автореф. дис. на соиск. уч. ст. канд. экон. наук/ Д.В. Горохова. — М., 2013. — 24 с